

Сенга нима бўлди?



17:16 / 26 декабрь 624

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Жаҳл: «Мұхаммад сизнинг олдингизда юзини тупроққа теккизадими (сажда қиласадими)?» деди. «Ҳа», дейишиди. «Лот ва Уззо билан қасамки, агар шундай қилганини күрсам, албатта, бўйинини оёғим билан босаман ёки юзини тупроққа ишқайман», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб, намоз ўқий бошладилар. Бўйинларига оёғи билан босади, деб ўйлашди. Аммо бирдан у ортига қараганча қўли билан юзини тўсиб қоча бошлади. Шунда унга: «Сенга нима бўлди?» дейишиди. «Мен билан унинг орасида оловли хандақ бор. Аnavилар... қанотлар бор», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар у менга яқинлашганида уни фаришталар парча-парча қилиб олиб кетишар эди»**, дедилар.

Шунда Аллоҳ азза ва жалла – билмадим, Абу Ҳурайранинг ҳадисидами ёки унга етган нарсадами – «Йўқ! Албатта, инсон туғёнга кетади»дан «Йўқ! Унга итоат этма»гача нозил қилди ва у зотга амр қилган нарсасини амр қилди».

Муслим ривоят қилган.